

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**№ 1- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

28 август 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев қуйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

**Кун тартиби:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини Фаол инвестициялари ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастурида олий таълим муассасаларига кўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида янги 2019-2020 ўқув йилида институт жамоаси олдида турган вазифалари хақида

**Маърузачи:**Ректор, профессор Ж.А.Ризаев

2. Кафедраларнинг янги 2019-2020 ўқув йилига тайёргарлик ҳолати хақида ахборот  
**Ахборотчи:** Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров

3. Турли масалалар

4. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини Фаол инвестициялари ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастурида олий таълим муассасаларига кўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида янги 2019-2020 ўқув йилида институт жамоаси олдида турган вазифалари хақида. Маърузачи: Ректор, профессор Ж.А.Ризаев

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, сифатли таълим хизматлари эркинлигини, етук кадрларни етиштириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида олий таълим муассасаларига кўйилган вазифалар сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.

**Масъул – Институт барча жамоаси**

**Муддат – доимо**

2. Институтнинг моддий техник базасини янада ривожлантириш мақсадида чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва йил давомида бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботлар топширилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош ҳисобчи, режа-молия бўлими**

**Муддат – Бир ой муддат**

3. Халқаро таълим стандартларини таълим соҳасига жорий этиш, таълим бериш сифатини ошириш мақсадида ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчилар жалб қилинсин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори, деканлар**

**Муддат –Бир ой муддат**

4. Илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш мақсадида илмий тадқиқот институтлари қошидаги лаборатория ва юксак технология марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилсин, доимий назорат қилиб борилсин

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари проректори,**

**Муддат – Доимий**

5. Тошкент давлат стоматология институтини халқаро Quacquarelli Symonds Limited (QS) ва World Universities Insights Limited (THE) рейтинг рўйхатиға, ҳамда институт профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолаларни "Scopus" ва "Science Direct" халқаро маълумотлар базасига киритиш бўйича "Ишчи гуруҳ" ташкил этилсин.

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари проректори,  
Муддат – Бир ой муддат**

6. Профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолалари Scopus, Science Direct халқаро илмий-техник базалар рўйхатида мавжуд ихтисослашган илмий нашрларда чоп этилиши ва ярим йиллик, йиллик аттестацияда таҳлил қилиниши таъминлансин.

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари проректори, таълим сифатини назорат қилиш бўлими  
Муддат – Доимий**

7. Тошкент давлат стоматология институти талабалар ассоциацияси аъзоларидан институт кенгаши аъзолигига киритиш бўйича таклиф берилсин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори, деканлар  
Муддат – Бир ой муддат**

8. Профессор-ўқитувчиларни инглиз тилини билиш даражаси ошириб борилиши назорат қилинсин, ўқув курслари ташкил этилсин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори  
Муддат – 1 ой, Доимий**

9. Талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари факультет кенгашларида тўлиқ таҳлил қилинсин

**Масъул – Факультет деканлари  
Муддат – Доимий**

10. Талабаларни хорижда малакавий амалиётини ўташ бўйича ишлар такомиллаштирилсин

**Масъул – Халқаро ҳамкорлик ишлари бўйича проректор  
Муддат – Доимий**

11. Малака ошириш марказларида таҳсил олган профессор-ўқитувчилар ўз иш жойларида очик дарс, очик маъруза, мастер-класслар ўтказишлари таъминлансин

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори,  
факультет деканлари, кафедра мудирлари, малака оширишга масъул ходим,  
Муддат – Доимий**

12. Хар бир кафедрада онлайн маърузалар базаси ташкил этилсин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори, ўқув-услубий бўлим  
Муддат – Доимий**

13. Кафедраларнинг ҳамкор ташкилотлари рўйхати ишлаб чиқилиб ва тасдиқлансин.  
**Масъул – Халқаро ҳамкорлик ишлари бўйича проректор, Халқаро алоқалар бўлими  
Муддат – Доимий**

14. Маъруза дарслари видео ёзувлари тайёрлансин ва таҳлили ўтказилсин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар проректори, ўқув-услубий бўлим, таълим сифатини назорат қилиш бўлими  
Муддат – Доимий**

15. Барча маъруза залларга видеокамералар ўрнатилсин.  
**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи**  
**Муддат –2 ой**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари проректори Р.Амануллаев зиммаларига юклатилсин.

**Институт кенгаш раиси,  
профессор**



**Ж.А.Ризаев**